

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМАЛИЕВА ШОХСАНАМ ФАХРИДДИН ҚИЗИНИНГ**

**ТАСМАЛИ СЕПАРАТОР ИШЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШ АСОСИДА СЕПАРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника  
ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Наманган – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Имомалиева Шохсанам Фахриддин қизи**

Тасмали сепаратор ишчи параметрларини оптималлаш асосида  
сепарация жараёнини самарадорлигини  
ошириш..... 3

**Имомалиева Шохсанам Фахриддин қизи**

Повышение эффективности процесса сепарации на основе  
оптимизации рабочих параметров ленточного  
сепаратора..... 25

**Imomalieva Shokhsanam**

Improving the efficiency of the separation process based on the  
optimization of the working parameters of the belt separator..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published  
works..... 47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМАЛИЕВА ШОХСАНАМ ФАХРИДДИН ҚИЗИ**

**ТАСМАЛИ СЕПАРАТОР ИШЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШ АСОСИДА СЕПАРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника  
ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Наманган – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Т2864 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандистлик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий рахбар:**

**Маҳкамов Анвар Муҳаммадхонovich**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Сафаров Назиржон Муҳаммаджонovich**  
техника фанлари доктори, доцент

**Бобоматов Абдуғани Хусаинович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023-йил “18” февраль соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти 3-бини, 2-қават, 313-хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (214-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2023-йил «3» февраль куни тарқатилди.  
(2023-йил «3» февраль № 101-рақамли реестр баённомаси).



*М.М. Мурадов*  
**Р.М. Мурадов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, техника  
фанлари доктори, профессор

*Х.Т. Бобожанов*  
**Х.Т. Бобожанов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, доцент

*Қ.М. Холиков*  
**Қ.М. Холиков**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пахта толасидан сифатли маҳсулот олиш, экологик тоза ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган техника технологияларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хозирги кунда пахта етиштириш бўйича АҚШ, Бразилия, Хиндистон давлатлари етакчи ўринларда туради<sup>1</sup>. Жаҳон бозорининг ушбу сегментидаги ўрни ва нуфузини сақлаш учун бу мамлакатларда пахта тозалаш корхоналарида пахта хом ашёсига ишлов бериш технологиясини барқарор ривожлантириш, замонавий технологик жиҳозларни автоматик бошқариш муҳим амалиётлардан биридир. Бу борада, жумладан сепаратор қурилмаси конструкциясини оптималлаштириш, пахта хом ашёсининг ҳаво оқимидан, табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ажратиб олиш орқали пневмотранспорт тизимида ҳаво аэродинамикасини ростлаш билан биргаликда жаҳон пахта бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахтани териш, ташиш, қуришиш, ифлосликлардан тозалаш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, пахтага дастлабки ишлов бериш технологиясининг барча босқичларида, хусусан, пахтани пневмотранспорт ёрдамида ташиш ва уни ташувчи ҳаводан ажратиш жараёнини такомиллаштириш бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, якуний маҳсулот сифат ва миқдор кўрсаткичлари шаклланишида бу жараёнлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу борада, пахта маҳсулотлари табиий хусусиятларини сақлаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятини берадиган технологияларни, пневмотранспорт тизимида пахтани ҳаводан ажратиш ва технологик жараёнга узатиш ускуналарининг ресурстежамкор конструкцияларини яратиш ва параметрларини оптималлаштириш мазкур соҳадаги тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, соҳада аниқланган муаммоларни бартараф қилувчи техникавий ечимларни ишлаб чиқиш, барча технологик жараёнлар, шу жумладан пахтани пневмотранспорт тизимида ҳаво аэродинамикасини ростлаш ва уни ташувчи ҳаводан ажратиб олиб, навбатдаги технологияга узатиб бериш жараёнлари самарадорлигини ошириш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда тўқимачилик секторини ривожлантириш, қўшимча қиймат занжирини яхшилаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни

1. International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/emailsecretariat@icac.org>. September 1, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармони. [lex.uz/uz/docs/5841063](http://lex.uz/uz/docs/5841063)

кенг жорий этиш»<sup>2</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, толани ўзимизда чуқур қайта ишлаш ҳажми ортириш, маҳсулот сифат кўрсаткичларини оширишга салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш шунингдек сепаратор ишчи элементларини автоматик бошқариш орқали пневмотранспорт тизимида ҳаво аэродинамикасини ростлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони ва ПФ-60-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 31-мартдаги 253-сонли «Тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация ишининг тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишига мос келади.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Сепаратор қурилмаси конструкциясини оптималлаштириш, шунингдек сепаратор ишчи элементларини автоматик бошқариш орқали пневмотранспорт тизимида ҳаво аэродинамикасини тадқиқи каби масалаларни ҳал қилишда, бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Галелео Галилей, Паскал, Леонардо да Винчи, Исаак Ньютон, Даниил Бернулли, Леонард Эйлер, Рейнолдс, Прандтл ва бошқалар ва бошқалар.

Пахта хом-ашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пахтани ташишнинг назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратиш бўйича Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Умаров Г.Я., Захидов Р.А., Авезов Ўзбек олимларидан Р.Г.Махкамов, Х.А.Зияев, Р.Амиров, Б.М.Мардонов, П.Байдюк, Х.Ахмедходжаев, Х.А.Рахматуллин, Р.Мурадов, М.Хожиев, У.Х.Азизходжаев, Р.Файзиев, А.Давидов, Н.А.Ортиқов, С.А.Самандаров, А.Бурханов, А.А.Исмоилов, З.О.Шодиев, Т.О.Шамсутдинов, О.Ш.Саримсақов О.Маматкулов, С.Хусанов, М.Салоҳиддиновлар каби жуда кўп олимлар ўз хиссаларини қўшганлар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида пахтани қайта ишлаш жараёнининг сезиларли ривожланишига билан салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, сепаратор қурилмаси конструкциясини оптималлаштириш, пахта хом ашёсининг ҳаво оқимидан, табиий сифат

кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ажратиб олиш, пахта таркибидаги майда ифлосликларни самарали тозалаш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВ-Атех-2018-114 рақамли «Толанинг сифатини яхшилаш мақсадида пахта сепаратори конструкциясини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий (2018-2020) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тасмали сепаратор қурилмаси конструкциясини оптималлаштириш орқали пахта хом ашёсининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда сепарация жараёнини самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

пахта хом ашёсини ҳаво орқали ташувчи қурилма бўйлаб ҳаракати давомида унинг қувурнинг ички хажми ва кўндаланг кесими бўйича тақсимланишини назарий йўл билан тадқиқ қилиш ва баҳолаш;

вентилятор ускунаси энергия қуввати сарфининг математик моделини, яратиш, таҳлил ва синтез қилиш орқали қувват сарфини камайтириш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;

пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олиш жараёни бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

сепаратор ишчи камерасига ҳаракатланувчи тўрли юзани конвейрли лента ҳолатида ўрнатиш ҳамда унинг пахта таркибидаги майда ифлосликларни самарали ажратиб олишга таъсирини аниқлаш, назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

сепараторнинг кириш қисмига тўсқич ўрнатиб бу билан пахта хом ашёсининг ҳаракатланувчи тўрли лентага тўғри келиб урилишни олдини олиш ҳамда тўрли юзани самарали ишлаш муддатини узайтириш;

экспериментал конструкциясини яратиш ва унинг самарали ишлашини асослаш;

таклиф этилаётган сепаратор қурилмаси ва ҳаво оқимини автоматик бошқариш тизимини ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ҳамда уни пахта хомашёсининг табиий сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

қабул қилинган техникавий ечимлар самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта тозалаш корхоналарида пахта хом ашёсини ҳаво оқимидан ажратиб олиш жараёнида қўлланиладиган сепаратор қурилмаси ҳамда пневмотранспорт тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** пневмотранспорт тизимидаги ҳаво аэродинамикаси, пахта сепараторининг ишчи элементлари ва унинг

технологик кўрсаткичлари ҳамда пахтани ҳаводан ажратиш жараёни режимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий ва амалий механика, экспериментал тадқиқотлар, математик статистика, замонавий ўлчаш асбобларидан фойдаланиб, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахтани пневмотранспортда ташиш ва уни ҳаводан ажратиш олиш жараёнида пахтага механик шикаст етказмайдиган ҳаракатланувчи тўрли-юзали сепаратор қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

сепараторнинг кириш қисмига келаётган пахта хом-ашёсини тўғри вакуум-клапанга йўналтириш учун тўсқич конструкцияси яратилган ҳамда тўсқичнинг оптимал ўлчамлари тавсия этилган;

тўрли-юзали сепаратор қурилмасида пахта толаси ва чигитининг бошланғич сифат кўрсаткичларини сақлаш учун пахта бўлакчасини ҳаводан ажратиш жараёнида тўрли юзага урилишини, зарба кучларини ҳамда пахта чигити қобиғининг мустаҳкамлигини ҳисобга олиб қиялик бурчаклари аниқланган;

мехатроник тизим методикаси асосида пахтани ҳаводан ажратувчи сепаратор қурилмасининг ишчи элементлари ва ҳаво оқимининг автоматик тарзда бошқаришга эга бўлган тизим схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сепараторнинг кириш қувурига ўрнатилган тўсқич орқали ишчи камерага юқори тезликда кириб келаётган пахта хомашёсини зарба кучи камайтириб, ўз оғирлиги билан вакуум-клапан тамонга ҳаракатланиши таъминланган;

ишчи камерасида пахтани ҳаводан ажратадиган, юқори иш унумдорлигига эга пахта сифатининг сақланишини таъминлайдиган ишчи органлари тўрли-юзали бўлган сепаратор тайёрланган;

янги сепараторда сидирғичлардан воз кечилган ҳолда ишчи камерага ҳаракатланувчи тўрли юза қиялик бурчак остида жойлаштирилган бўлиб, ушбу конструкцияни автоматик тарзда бошқариш орқали пахтани ҳаводан ажратишнинг янги усули ишлаб чиқилган ва қурилманинг оптимал параметрлари аниқланган;

ҳаво оқимини автоматик бошқариш тизими назарий томондан асосланиб, қурилманинг оптимал ишчи параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқот якунида назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган сепараторнинг ишчи органларини ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд сепараторлар кўрсаткичларига солиштириш натижалари изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳаводан ажратиш жараёнида пахтани сепаратор ишчи элементларининг механик таъсиридан ҳимоя қилиш орқали унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлашни таъминловчи

конструкцияси ҳамда пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида ҳосил бўладиган тикилишларни бартараф этиш усуллари билан изоҳланади.

Унда кириш қисми қаршисига тўсқич ўрнатиб, пахтани ҳаво оқимидан шикаст етказмасдан вакуум-клапанга келиб тушушини таъминлаш ҳамда ҳаво оқими ва сепаратор ишчи элементларини автоматик бошқариш йўли билан тола йўқолишини камайтириш, шунингдек тозалаш самарадорлигини оширишга эришилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтани ҳаводан ажратиб берувчи сепаратор қурилмаси ишчи элементларини ишлаш принципларини оптималлаштириш бўйича натижалар асосида:

Пахтани ҳаводан ажратувчи сепаратор қурилмаси «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси» АЖ тасарруфидаги “Наманган тўқимачи” МЧЖга қарашли “Чуст пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган. («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси» АЖ нинг 2022 йил 27-октябрдаги №02-22/724-сонли маълумотномаси). Натижада пахта толаси дастлабки табиий ҳусусиятлари сақлаб қолиниб, унинг таркибидаги майда ифлос аралашмалар массавий улушини 0,4 %га камайтиришга, жараёнда толанинг йўқолиши пахтанинг I-II навларида 0,7% дан 0,2% га ҳамда III-IV-V навларда эса 3,78% дан 2% га камайтиришга эришилган ҳамда автоматик тарзда бошқариш тизимини жорий этиш натижасида пахта хом ашёсини ҳаво оқимида мунтазам бир текис ҳаракатланиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 3 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳоқамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақолалар, жумладан 4 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида нашр этилган ва 7 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахтани дастлабки ишлаш технологиясининг пневмотранспорт тизими ва ундаги аэродинамик жараёнлар тахлили**» деб номланган биринчи бобида пахтани дастлабки ишлаш жараёнида пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма яъни пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементларидан бири ҳисобланган сепаратор қурилмаси конструкциялари ва уларни такомиллаштириш бўйича аввал олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Илмий тадқиқотларда пневмотранспорт тизимида пахтани ташиш жараёнида ҳаво оқимининг пахта хом ашёсига таъсири, пневмотранспортда ҳаво тезлиги ва босимининг ўзгариши, тўрли юза билан сидиргич ўртасидаги боғлиқликни тола йўқолишига таъсирини ўрганиш, ҳаво оқимида ташилаётган пахтанинг шикастланиш даражаси ва қурилманинг иш унумдорлиги, пахта намлигига боғлиқлигини ўрганиш, пахтани турли материаллар билан таъсирлашиш жараёнида шикастланишини ўрганиш, шунингдек, пахта таъсирлашадиган юзанинг қилялик бурчагини пахта сифатига таъсирини ўрганиш, тўрли юзани фойдалилик қобилиятини ошириш, тўрли юзани пахта пахтани тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш, сепараторнинг толада ҳосил бўладиган нуксонларга таъсирини ўрганиш, вакуум – клапанида пахтанинг ҳаракатини ўрганиш, пахтани ҳаво оқимидан инерция кучи ёрдамида ажратиб олиш жараёнини ўрганиш, янги сепараторларни яратиш ва ишчи органларини такомиллаштириш бўйича қатор масалалар кўрилган. Лекин, сепараторда ҳаракатланувчи тўрли юза ўрнатиш орқали эркин толаларни чиқишини камайтириш ва пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олиш самарадорлигини ошириш, ишчи камерага кириб келган пахта оқимини тўғри тўрли юзага йўналтириш орқали тозалаш самарадорлигини ошириш, пахтани вакуум-клапанга тўғри йўналтириш ва уни бир хилда тақсимлаш, пахтани тўрли юзадан ажратиб олишда тола ва чигитнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш, шунингдек, пахтани ҳаво оқимидан инерция, аэродинамик ва марказдан қочма кучлар таъсирида ажратиб олиш жараёни бўйича чуқур назарий тадқиқотлар олиб борилмаган.

. Диссертациянинг «**Сепаратор қурилмаси элементларини оптималлаштириш бўйича назарий тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи бобига кўра Сепаратор ишчи камерасига ҳаво оқими билан биргаликда кириб келган пахта бўлакчалари кириш йўлакчасидан маълум масофада жойлашган ва вертикал йўналиш билан  $\alpha$  бурчак ташкил қилувчи эластик тўсқичга урилиши яъни назарий таҳлил берилган (1-расм).

Пахта бўлакчалари кириш йўлакчасидан маълум масофада жойлашган ва вертикал йўналиш билан  $\alpha$  бурчак ташкил қилувчи эластик тўсқичга қадар ўз оғирлик кучи, ҳаво оқими таъсирида ҳаракатда бўлади. Сўнг инерция кучи таъсирида эластик тўсқич ва пахта бўлакчаси ўртасида зарба жараёни ҳосил бўлади. Ҳаво оқими ўз йўналиши бўйича эластик тўсқичдан кейин жойлашган тўрли юза тирқишлари орқали сўриб олинади. Тўрли юза конвейр лента шаклда бўлиб, у мунтазам равишда ҳаракатланади.



**1-Расм. Сепаратор ишчи камерасига ҳаво оқими билан биргаликда кириб келган пахта бўлакчалари ҳаракати**

Пахта бўлакчаларини асосий қисми зарбаланиш жараёнидан кейин ҳаводан ажралиб сепараторни пастки камерасига тушади, маълум қисми ҳаводан ажралиш жараёнида тўрли юза бўйлаб, унга ёпишган ҳолда у билан бирга ҳаракатланади. Тўрли юза ва пахта хомашёси маълум бир масофани босиб ўтгандан сўнг пастки қисмда жойлашган чўткали барабан ёрдамида пахта хом ашёси тўрли юзадан ажратиб олинади. Ажратилган пахта хом ашёси қурилмани пастки қисмига ташланади ва у ердан вакуум клапани орқали ташқарига чиқариб юборилади. Пахта хомашёси тўрли юзага бориб ёпишганда, ҳавони тўрли юзадан сўрилиши натижасида пахта хомашёси таркибидаги пассив ҳолатдаги майда ифлосликлардан тозаланиш жараёни содир бўлади.

Шу сабабли сепарация жараёни, ундаги пахта бўлакчаларини тўрли юза бўйлаб ҳаракат қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Сепаратор ишчи камерасидаги пахта бўлакчалари ҳаракат жараёнини назарий тадқиқотини уч қисмга ажратиб ўрганамиз. Яъни пахта бўлакчалари ҳаракатини а)кириш қувиридан эластик тўсқичга қадар ҳаракати б)зарбадан кейинги ҳаракати с) тўрли конвейр юзаси бўйлаб ҳаракатлари.

Пахта бўлакчаларини эластик тўсқичга қадар ҳаракат жараёнини назарий тадқиқоти

Пахта бўлакчаларига таъсир этувчи кучлар қуйидагилардир(2-расм).

а) ҳаво оқимини аэродинамик кўтарувчи кучлари:  $P_x = c_x v_0$ ;  $P_y = c_y v_0$ ;

б) пахта бўлакчасини оғирлик кучи :  $G = mg$ ;


Ишчи камерага кириб келувчи пахта бўлакчасини  $M$  моддий нуқта деб қараймиз. Унинг ҳаракатини ўрганиш учун кириш юзаси марказидан  $ox$  ва  $oy$  координата ўқларини ўтказамиз. Инерция кучини ҳаракатлантирувчи куч  $kv$  га қарши қўйиб, Даламбер принципига асосан мувозанат тенгламасини тузамиз.

$$\begin{cases} \sum X_i = 0 \\ \sum Y_i = 0 \end{cases} \quad \Rightarrow \quad \begin{cases} m\ddot{x} = c_x v_x \\ m\ddot{y} = -mg \end{cases} \quad (1)$$


Бу ерда:  $\ddot{x}$ -тезланиш, пахта бўлакчасининг тезланиш вектори  $\vec{a}$  нинг  $ox$  ўқи билан ташкил этувчиси;  $\ddot{y}$ -тезланиш, пахта бўлакчасининг тезланиш вектори  $\vec{a}$  нинг  $oy$  ўқи билан ташкил этувчиси.  $c_x, c_y$ -ҳаво оқимининг аэродинамик қаршилиқ коэффициенти, тажриба йўли билан аниқланади.  $m$ -пахта бўлакчасини массаси (1)- дифференциал тенгламалар системаси учун бошланғич шартлар:

$$t = 0: x(0) = 0, y(0) = h, \dot{x}(0) = v_0, \dot{y}(0) = 0; \quad (2)$$


(1) ни (2) шартлар асосида МАПЛЕ-17 дастурида ечиб,  $t$ -вақт бўйича пахта бўлакчасининг координата урилидаги ҳаракат қонунларини оламиз (2-Расм).



а)  $v_0 = 10 \frac{m}{c}$ ;



б)  $v_0 = 14 \frac{m}{c}$ ;



$$c) v_0 = 20 \frac{m}{c};$$

**2-Расм. Пахта бўлакчасини, сепараторга кириш юзасидан эластик оғма пластинкагача бўлган ораликдаги ҳаракатини ўзгариш графиклари.**

1 –  $m = 0.004kg$ ; 2 –  $m = 0.006kg$ ; 3 –  $m = 0.008kg$ ; 4 –  $m = 0.010kg$ ;

2-расмдаги графикларда турли массага эга бўлган пахта бўлакчаларини, сепараторга кириш юзасидан эластик оғма пластинкагача бўлган ораликдаги ҳаракатини ўзгариш графиклари келтирилган. Сепараторга кириш юзасидан эластик оғма пластинкагача бўлган оралик масофа қисқа бўлгани учун, пахта бўлакчаларини ҳаракати асосан тўғри чизиқли характерга эга бўлиб, массаларга боғлиқ бўлар экан.

Пахта бўлакчаларини эластик тўсқичга урилиб кайтгандан кейинги ҳаракат жараёнини назарий тадқиқоти

Пахта бўлакчалари эластик тўсқичга урилгандан сўнг, массаларни қийматига қараб тезлигини ўзгартириб ҳаракатини давом эттиради. Таҷрибалардан маълумки, эластик тўсқични оғиш бурчагини ўзгариши зарба кучини ўзгаришига олиб келар экан. Сепаратор ишчи камерасига кириб келган пахта бўлакчалари эластик тўсқичгача босиб ўтувчи масофаси жуда қисқа. Пахта бўлакчалари эластик тўсқичга урилгандан сўнг, вертикал йўналиш билан  $\beta$ -бурчак остида кайтиб, ҳаракатини давом эттирсин. Ушбу ҳолда пахта бўлакчаларини ҳаракат дифференциал тенгламаларини, қуйдагича ёзамиз:

$$\frac{dv_x}{dt} = -k_0(v_{10} - \frac{dx}{dt})^2 \sin\beta, \quad (3)$$

$$\frac{dv_y}{dt} = -g - k_0(v_{10} - \frac{dy}{dt})^2 \cos\beta$$

Бошланғич шартлар:

$$t = 0: x(0) = 0, y(0) = h, \dot{x}(0) = v_{x0}, \dot{y}(0) = v_{y0}; \quad (4)$$

Бу ерда:  $m$  – пахта бўлакчасини массаси;  $c_k$ - ҳаво окимини аэродинамик қаршилик коэффициенти;  $k_0 = \frac{c_k}{m}$  ;  $v_{10}, v_{x0}, v_{y0}$ - ҳаво окимини, пахта бўлакчасини эластик тўсқичга урилгандан кейинги тезликлари;

Маълумки иккита жисмни ўзаро қийшиқ зарбаланиш назариясида, шартли равишда куйидаги номланувчи: I-ёпишқоқ ишқаланиш ва II-қуруқ ишқаланиш гипотезалари қўлланилади.

а) ёпишқоқ ишқаланиш гипотезасига қўра  $\beta$ -бурчак, эластик тўсқични киялик бурчаги  $\alpha$  оркали куйидаги формула билан аниқланади:

$$\tan\beta = \frac{1-\lambda}{R} \tan\alpha \quad (5)$$

Бу ерда:  $\lambda$ - зарба жараёнидаги оний ишқаланиш коэффициенти;


$R$ -зарбадан кейинги тезликни тикланиш коэффициенти;

б) қуруқ ишқаланиш гипотезасига қўра  $\beta$ -бурчак, тўрли юзани киялик бучаги  $\alpha$  оркали куйидаги формула билан аниқланади:


$$\tan\beta = \frac{1}{R} \tan\alpha - f(1 + R)/R; \quad (6)$$

Бу ерда:  $f$ - зарба жараёнидаги қуруқ ишқаланиш коэффициенти;


(2) –ночизикли дифференциал тенгламалар системаси ечимлари, юқоридаги иккала гипотезага қўра, куйидаги (4) бошланғич шартларда интегралланиб, MAPLE-17 дастури асосида тегишли 3 – расмдаги графикларда келтирилган.



а)  $v_0 = 10 \frac{m}{c}$ ;



б)  $v_0 = 14 \frac{m}{c}$ ;



с)  $v_0 = 20 \frac{m}{c}$ ;

**3-Расм. Пахта бўлакчасини, сепараторга кириш юзасидан эластик оғма тўсқичгача ва зарбаланишдан кейинги ҳаракатини ўзгариш графиклари.**

1 –  $m = 0.004kg$ ; 2 –  $m = 0.006kg$ ; 3 –  $m = 0.008kg$ ; 4 –  $m = 0.010kg$ ;

3-расмдаги графикларда турли массага эга бўлган пахта бўлакчаларини, эластик оғма пластинка билан зарбалашгандан кейинги ҳаракатини ўзгариш графиклари келтирилган. Пахта бўлакчаларининг эластик тўсқичга урилгандан кейинги тезликлари, зарбаланишдаги тикланиш коэффициентиға боғлиқ ўзгаради. Графиклардан кўриниб турибдики, оғир массали пахта

бўлакчалари енгил массали пахта бўлакчаларига нисбатан ишчи камерани кейинги қисмига тезроқ ўтишини кузатишимиз мумкин. Бу жараёнда пахта бўлакчаларини ҳаракат парабола қонуни бўйича ўзгарар экан. Лекин майда ифлосликлар билан аралашган пахта бўлакчалари тўсқичдан айланиб ў ўтиб, тўрли юза конвейрга урилади. Унинг сирти бўйича ҳаракатни давом эттиради. Ушбу тадқиқот ишини келгуси тадқиқот ишларимизда давом эттириш мақсадида режага киритдик ва кейинги таклиф этган усулимизни, яъни, пахтани сепаратор қурилмасида тўрли юза ўлчамини оширган ва уни ҳаракатланишини таъминлаган ҳолда назарий томонидан чуқур ўрганилди.

Сепаратор ишчи камерасидаги пахта бўлакчаларини тўрли юза бўйлаб ҳаракатларига таъсир этувчи кучлар қуйидагилардир

$$P_0 = CV_0^2 - \text{ҳаво оқимини аэродинамик кўтарувчи кучи};$$

$$R_n = P_0 \cos \alpha - \text{аэродинамик босим кучи};$$

$$G = mg - \text{пахта бўлакчасини оғирлик кучи};$$

$F_{\text{иш}} = f \cdot R$  – пахта бўлакчаси ва тўрли юза ўртасида юзага келувчи ишқаланиш кучи;

$f$  – ишқаланиш коэффициенти;

$F_0$  – тўрли юзали конвейр лентаси томонидан пахтани судраш кучи;

Пахта бўлакчасига таъсир этувчи кучларни  $ox$  ва  $oy$  ўқлардаги проекцияларини ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} \text{ёки,} \quad & \begin{cases} F_x = \sum (F_i)_x = -R_{nx} - F_{\text{иш}} - F_0 \sin \alpha \\ F_y = \sum (F_i)_y = G + R_{ny} - F_{\text{иш}} + F_0 \cos \alpha \end{cases} \quad (9) \\ & \begin{cases} F_x = -P_0 (\cos^2 \alpha + 0,5 \cdot f_0 \sin 2\alpha) + F_0 \sin \alpha \\ F_y = mg - 0,5 P_0 (\sin 2\alpha - f \cos^2 \alpha) + F_0 \cos \alpha \end{cases} \end{aligned}$$

Агар қуйидагича белгилаш киритсак:

Пахта бўлакчасига таъсир этувчи барча кучларни  $ox$  ва  $oy$  – ўқлардаги проекциялари қуйидагича бўлади:

$$\left. \begin{aligned} F_x &= -\kappa_{11} P_0 + F_0 \sin \alpha \\ F_y &= mg + \kappa_{22} P_0 + F_0 \cos \alpha \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

Ушбу ҳолда пахта бўлакчаларини тўрли юза бўйлаб ҳаракат дифференциал тенгламаларини қуйидагича ёзамиз:

$$\left. \begin{aligned} \ddot{x}(t) &= \frac{F_x}{m} \\ \ddot{y}(t) &= \frac{F_y}{m} \end{aligned} \right\} \quad (12)$$


Бу ерда:  $m$  – пахта бўлакчасини массаси;

(10)- дифференциал тенгламалар системаси қуйидаги (11) бошланғич шартларда интегралланиб, MAPLE-17 дастури асосида тегишли графиклар олиган.


Бошланғич шартлар:

$$\left. \begin{aligned} x_i(0) &= 0 \\ y_i(0) &= 0 \\ \dot{x}_i(0) &= \mathcal{G}_{ox_i} \\ \dot{y}_i(0) &= \mathcal{G}_{oy_i} \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

Натижалар таҳлили: 4–5–расмдаги графикларда пахта бўлакчаларини горизонтал – ох ва вертикал оу–йўналишидаги ҳаракат қонунларини вақт –  $t$  га боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари келтирилган. 4–расмдаги графиклардан кўриниб турибдики, тўрли конвейр сиртини вертикал йўналиш билан ҳосил қилган оғиш бурчаги  $\angle \alpha$  – ни ортиб бориши билан пахта бўлакчаларини тўрли сиртдан ажралиб чиқиш жараёни тезлашар экан. Жумладан  $\alpha = 30^\circ$  да пахта бўлакчалари  $t=0,14$  сек да тўрли сиртдан ажралиб, вертикал йўналишда ҳаракатни давом эттириб кейинги жараёнга ўтиб кетса,  $\angle \alpha = 45^\circ$  да бу жараён эса  $t=0,12$  сек да, содир бўлар экан.



**4-Расм. Пахта бўлакчасини ОХ-координата йўналишидаги ҳаракатини вақт бўйича, турли  $\alpha$  -оғиш бурчаклардаги ўзгариш қонуниятлари.**




**5-Расм. Пахта бўлакчасини ОУ-координата йўналишидаги ҳаракатини вақт бўйича, турли  $\alpha$  -оғиш бурчаклардаги ўзгариш қонуниятлари.**

Диссертациянинг «Сепаратор қурилмаси экспериментал конструкцияси параметрларини аниқлаш» деб номланган учинчи бобида тўрли сиртнинг ҳаво сўриш мумкин бўлган юзасини ошириш йўллари ва янги таклиф қилинган сепаратор конструкцияси, аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасида ҳозирги кунда самара бериб ишлаётган конструкциялар таҳлили ҳамда корхоналардаги муаммолар таҳлил қилинган. Тажирибалар ўтказиш учун мўлжалланган қурилма конструктив жиҳатдан содда, тажирибалар ўтказишга қулай ҳамда зарур ҳолларда ишчи қисмларини

алмаштириш ёки геометрик параметрларини ўзгартириш имконияти бўлишига эътибор қаратилди.

6-расмда янги сепаратор қурилмасининг юқори ва ён томонларидан кўриниши тасвирланган. Қурилма бир неча ишчи органлардан ташкил топган бўлиб, унинг ишлаш жараёни қуйидагичадир: кириш қисми (1) дан ишчи ёки ажратиш камераси (2) га кириб келаётган пахта хом ашёси даст аввал йўналтиргич (3) га тегиб, бироз йўналишини ўзгартиради ва тўғридан-тўғри конвейер лента шаклидаги ҳаракатланувчи тўрли юза (4) га бориб ёпишади. Ушбу жараёнда инерция кучи таъсирида пахта таркибида бўлган пассив ҳолдаги майда ифлосликлар тўрли юзадан ўтиб тўпланувчи бункер (5) га тушади. Тўрли юза (4) ҳаракатланиши учун қурилмага юлдузчали механизмлар маҳкамланган учта вал (6) лар ўрнатилган бўлиб, улар бири-бирига ҳаракатини боғлаш учун ишлатиладиган занжирлар тўрли юза (4) четига пайвандлаш йўли бириктирилган.



6-расм. Таклиф этилаётган сепаратор қурилмаси

Улар тўрли юза (4) ни ҳаракатланишини таъминлайди. Тўрли юза (4) ни юқоридан пахта қараб бир томонлама ҳаракатланиши натижасида унга ёпишган пахта ҳам у билан бирга ажратиш камераси (2) нинг остига тушади ва у ерда тўрли юзанинг орқа қисмида жойлашган бункер (5) тўсиқ вазифасини бажаргани учун тўрли юзадан ҳавони сўриб олиш жараёни тўсилиб, тўрли юза (4) тешикларидаги ҳаво оқими тўхтайтилади. Натижада вакуум шароити вужудга келиб, у ерда пахта ўз оғирлиги билан пахтада жойлашган вакуум-клапан (8) ни парраклари орасига тўғри тушади. Тўрли юза (4) га бирикиб кетган пахта хом ашёси чўткали барабан (7) ёрдамида тўрли юза (4) дан ажратиб олинади ва ажратиб олинган пахта ҳам вакуум-клапанни (8) га ташлаб берилади. Вакуум-


клапан (8) ни айланма ҳаракат қилиши натижасида унинг парраклари орасидаги пахта хом ашёсини қурилмадан ташқи муҳитга чиқариб юборади. Пахта хом ашёсидан ҳалос бўлган тўрли юза (4) юқорига ҳаракатланиб аввалги нуқтасига қайтиб боради. Ишлатиб бўлинган ҳаво оқими эса тўрли юза (4) дан ўтиб, чиқиш қисми (9) орқали қурилмадан чиқиб қувурлар ёрдамида вентиляторга боради.

Ушбу жараёнда пахта хом ашёси ҳаво оқимидан самарали ажратиб олинади.


Тақомиллашган пахта сепаратори Чуст пахта тозалаш корхонасининг технологик жараёнда пахта хом ашёсини етказиб беришда қўлланиладиган кўзгалувчан қурилмага ўрнатилган.

Зарбанинг таъсирини аниқлаш учун, пахта тозалаш корхонасида пневматик ташиш мосламалари пахта хом ашёсини ташиш тезлиги тола ва линтерларнинг сифат ҳолатига таъсирини аниқлаш учун 30 та тажриба ўтказилди. Бунинг учун пахта хом ашёсини жинлаш ва линтерлаш жараёнларидан кейин намуналар олиниб, завод лабораториясида аниқланди.


Таклиф этилаётган сепаратор қурилмаси ажратувчи камерада жойлашган тўрли юзасини фойдалилигини ошириш ва тўрли юзага ёпишган пахта хом ашёсини самарали ажратиб олиш мақсадида конструкцияни шакли ва ўлчамларини ўзгартирилган. Ушбу конструкциядаги фойдали тўрли юза хажми прототипидан нисбатан катта ва у қурилма ишлаганда доимий равишда ҳаракатланади. (7-8 расм)



7-расм. Таклиф этилаётган сепаратор қурилмаси асосий ишчи камерас



8-расм. Таклиф этилаётган сепаратор қурилмаси вакуум-клапани



9-расм. Тўрли юзанинг деформацияланиши

Қурилмада тажриба синовлари ўтказилиб, натижаларни таҳлил қилиниб, қурилманинг ишлашининг оптимал қийматларини аниқлаш бўйича қирувчи ва чиқувчи параметрлар танлаб олиниб, ҳисоб-китоб ишлари ўтқазилди. Унга кўра қурилмага қирувчи факторлар сифатида қуйидаги параметрлар олинди (9-расм).

**1-жадвал**

**Қирувчи параметрлар қийматлари**

| № | Номи, ўлчов номи  | Белгиланиши | Қиймат |     |     |            |
|---|---|-------------|--------|-----|-----|------------|
|   |   |             | -1     | 0   | +1  | $\Delta x$ |
| 1 | Лента айланишлар сони ,<br><i>айл/м</i>                       | $X_1$       | 70     | 80  | 90  | 10         |
| 2 | Қириш қисмидан тўрли<br>лентагача бўлган масофа,<br><i>мм</i> | $X_2$       | 500    | 600 | 700 | 100        |
| 3 | Қириш қувуридаги ҳаво<br>тезлиги м/с                          | $X_3$       | 25     | 30  | 35  | 5          |

Чиқувчи параметр сифатида  $Y_1$  – тозалаш самарадорлиги Бунда,  $Y_1$  – бир соатда сепараторда пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олишдаги ифлосликдан тозалаш самарадорлигиниш унумдорлиги,

Регрессия тенгламаси

$$Y_R = b_0 + b_1x_1 + b_2x_2 + b_3x_3 + b_{12}x_1x_2$$

Ҳисоблашлардан келиб чиқиб регрессия тенгламалари қуйидагича тус олади.

$$Y_R = 10,625 + 1,875x_1 - 0,625x_2 - 1,375x_3 - 0,375x_1x_2$$


Стъудент мезонини ҳисобий қийматини ҳисоблаш ёрдамида регрессия коэффицентларини аҳамиятлилиги текширилди.

Регрессия тенгламаси

$$Y_{R1} = 13,64 + 0,48x_1 + 0,56x_2$$


ни ҳосил қиламиз ва унинг графигини қуйидаги кўринишда ҳосил қиламиз

Сепараторда тозалаш самарадорлиги  $Y_1$ -гини бўйича регрессион моделларни лента айланишлар сони ( $x_1=0$ ) бўлгандаги графикни чизилади



**10-расм. Ҳаво тезлиги ва кириш қувуридан тўрли лентагача бўлган масофани тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги**


Графикдан кўриниб турибдики, кирувчи иккинчи ( $x_3$ ) ва учинчи ( $x_2$ ) омиларнинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва биринчи оми  $x_1=0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) тозалаш самарадорлиги бўйича қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб  $x_2$ -, (мм) 500÷700 ораликларда ва  $x_3$ –Кириш қувуридаги ҳаво тезлиги м/с 25÷35 ораликдаги қийматларида ( $Y_1$ ) тозалаш самарадорлиги графиги таъсвирланган. Бунда  $x_2$  Кириш қисмидан тўрли лентагача бўлган масофа -1÷-0,8 бўлган ораликда ва  $x_3$  Кириш қувуридаги ҳаво тезлиги -1÷-0.6 бўлган масофада энг кўп қийматларига эришмоқда. (10-расм)



**11-расм. Тўрли лентанинг айланишлар сони ва ҳаво тезлигини тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги**

Графикдан кўриниб турибдики, кирувчи иккинчи ( $x_3$ ) ва учинчи ( $x_1$ ) омиларнинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва биринчи оми  $x_2=0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) тозалаш самарадорлиги бўйича қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб  $x_1$ -, (мм) 70÷90 ораликларда ва  $x_3$  – Кириш қувуридаги ҳаво тезлиги м/с 25÷35 ораликдаги қийматларида ( $Y_1$ ) тозалаш самарадорлиги

графиғи таъсвирланган. Бунда  $x_1$  Лента айланишлар сони  $0,4 \div 1$  бўлган оралиқда ва  $x_3$  Кириш қувиридаги ҳаво тезлиги  $-0,2 \div -1$  бўлган масофада энг кўп қийматларига эришмоқда. (11-расм)



**12-расм. Кириш қисмидан тўрли юзагача бўлган масофа ва тўрли лентанинг айланишлар сони тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиғи**

Графикдан кўриниб турибдики, кирувчи иккинчи ( $x_2$ ) ва учинчи ( $x_1$ ) омилланинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва биринчи омил  $x_3=0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) тозалаш самарадорлиги бўйича қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб  $x_1$ - (айл/м)  $70 \div 90$  оралиқларда ва  $x_2$  – Кириш қисмидан тўрли лентагача бўлган масофа мм  $500 \div 700$  оралиқдаги қийматларида ( $Y_1$ ) тозалаш самарадорлиги графиғи таъсвирланган. Бунда  $x_1$  Лента айланишлар сони  $0,6 \div 1$  бўлган оралиқда ва  $x_2$  Кириш қисмидан тўрли лентагача бўлган масофа  $-0,4 \div -1$  бўлган масофада энг кўп қийматларига эришмоқда. (12-расм)

Диссертациянинг «Янги сепаратор қурилмасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш» деб номланган тўртинчи бобида янги сепараторни ишлаб чиқариш жараёнига ўрнатиш ва синов ишлари натижалари келтирилган.

Йиллик иқтисодий самарани аниқланиши сепаратор машинасининг базавий ва янги конструкцияси бўйича харажатларни таққослашга асосланади. Илмий-тадқиқот ишини ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иқтисодий самарадорлик пахтаининг сифат кўрсаткичларини яхшилашдан олинган самара ( $\mathcal{E}_1$ ), толанинг йўқолишини камайтиришдан олинган самарадорлик ( $\mathcal{E}_2$ ) йиғиндилардан иборат.

Тола йўқолишини камайтиришдан олинган иқтисодий самарадорлик қуйидагини ташкил этади.

$$\mathcal{E}_2 = (H_{1c} + H_{2c}) - (H_{1n} + H_{2n}) = (32414994,26 + 11003924) - (3772773,94 + 16807993,57) = 43418918,26 - 20580767,51 = 22838150,75 \text{ сўм}$$

Илмий-тадқиқот ишини ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иқтисодий самарадорлик пахтанинг сифат кўрсаткичларини яхшилашдан олинган самара ( $\mathcal{E}_1$ ), толанинг йўқолишини камайтиришдан олинган самарадорлик ( $\mathcal{E}_2$ ) йиғиндилардан иборат.

$$\mathcal{E}=\mathcal{E}_1+\mathcal{E}_2=217156000+22838150,75 = 239994150,7 \text{ сўм}$$

Яъни, сепаратор конструкциясини такомиллаштиришдан йиллик иқтисодий самара 239994 минг сўмни, ёки чиқарилаётган 1 тонна толага 56602 сўмни ташкил қилади (2022 йил учун ҳисобланган)

Сепаратор конструкциясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида яратилган янги сепаратор конструкцияси сепарация жараёни самарадорлигини ошириш имконини берди.

## ХУЛОСАЛАР

Республика ва хорижий мамлакатларда пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди ва таҳлилларасосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республика ва хорижий мамлакатлар илмий тадқиқотчилари томонидан пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмасини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар таҳлили мавжуд сепараторларнинг бир қатор камчиликларини аниқлаш ва сепараторда пахтани қўшимча тозалаш, пахтанинг механик шикастланишини ва тола йўқолишини камайтириш бўйича тадқиқот олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

2. Назарий ва амалий тадқиқотлар асосида пахта ва майда оғир жисмлар сепаратор ишчи камераси деворига бориб урилиши ва металл сиртни шикастлаши асослаб берилди ва урилиш майдони аниқланди ҳамда шу майдон бўйича ҳаракатланувчи тўрли юза ўрнатилди.

3. Пневмосепаратор қурилмасида пахта хом ашёсини ҳаракати назарий йўл билан ўрганилди ҳамда экспериментал тадқиқотлар ўтказилди ва натижалар олиниб таҳлил қилинди.

4. Сепаратор ишчи камерасида тўрли юза билан ҳаракатланаётган пахта хом ашёси ҳаракатини назарий йўл билан ўрганиш натижасида олинган дифференциал тенгламалар таҳлили асосида пахта бўлакчасининг ҳаракат траекториялари, унинг сепаратор тўрли юзасига урилиш майдони ва зарба кучлари аниқланди ҳамда зарба кучини камайтириш учун зарбани қабул қилувчи тўрли юза қия бўрчак остида ўрнатиш тавсия этилди.

5. Сепаратор ишчи камерасида ўрнатилган қия тўрли юза орқали пахта бўлакчасини ҳаракатини ўрганиш натижасида пахтани майда ифлосликлардан қўшимча тозалаш имконияти ўрганилди.

6. Сепараторнинг иш унумдорлиги ва тозалаш самарадорлиги ҳаракатланувчи тўрли юзани тезликлари ўртасидаги боғланиш ўрганилди ва рационал тезлиги 0,5 м/с га тенглиги аниқланди.

7. Сепаратор ускунасининг ишлаб чиқариш намунаси “Наманган пахта текс” МЧЖга қарашли “Чуст пахта тозалаш” корхонасида тайёрланди ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилганда, олинган натижалар пахтадаги нуқсонлар ҳамда ифлослик миқдори 0,4 % га камайгани ва толанинг сифати яхшилангани аниқланди.

8. Такомиллашган сепараторни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали ўрта қувватли битта пахта тозалаш корхонаси ифлосликлардан тозалаш самарадорлигининг ошиши ва маҳсулот бошланғич сифати сақланиши ҳисобига корхона бир йилда сепаратор конструкциясини такомиллаштиришдан йиллик иқтисодий самара 239994 минг сўмни, ёки чиқарилаётган 1 тонна толага 56602 сўмни ташкил қилади (2022 йил учун ҳисобланган)

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PHD.03/30.12.2019.Т.66.01ПРИ НАМАНГАНСКОМ  
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ИМОМАЛИЕВА ШОХСАНАМ ФАХРИДИН ҚИЗИ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА СЕПАРАЦИИ НА  
ОСНОВЕ ОПТИМИЗАЦИИ РАБОЧИХ ПАРАМЕТРОВ ЛЕНТОЧНОГО  
СЕПАРАТОРА**

05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника  
и робототехнические системы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/T2864.**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Махкамов Анвар Мухаммадхонович**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Сафаров Назиржон Мухаммаджонович**  
доктор технических наук, доцент

**Бобоматов Абдуғани Хусаинович**  
доктор философии по техническим наукам, доцент

**Ведущая организация:**

**Андижанский институт машиностроения**

Защита диссертации состоится «18» февраля 2023 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69)228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №214). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «18» февраля 2023 года.  
(реестр протокола рассылки № 101 от «18» февраля 2023 года).



**Р.М.Муратов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней  
доктор технических наук, профессор

**Х.Т.Бобожинов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор технических наук, доцент

**К.М.Холиков**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней  
доктор технических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире особое значение придается вопросам получения качественной продукции из хлопкового волокна, совершенствования технических технологий, позволяющих производить текстильную продукцию, экологически чистую и не оказывающую отрицательного воздействия на здоровье человека. Сегодня США, Бразилия и Индия являются ведущими странами по выращиванию хлопка<sup>1</sup>. Для сохранения позиции и престижа в данном сегменте мирового рынка одним из важных направлений является устойчивое развитие технологии переработки хлопкового сырья и автоматизированное управление современным технологическим оборудованием на хлопкоочистительных предприятиях этих стран. В связи с этим особое внимание уделяется поставке на мировой рынок хлопка качественной, конкурентоспособной продукции, в том числе оптимизации конструкции сепараторного устройства, корректировке аэродинамики воздуха в системе пневмотранспорта при сепарации хлопка-сырца от воздушного потока с сохранением натуральных показателей качества.

В мире проводятся научные исследования по выявлению и устранению факторов, негативно влияющих на качество продукции в процессах сбора, транспортировки, сушки и очистки хлопка, на всех этапах технологии предварительной обработки хлопка, в частности, по совершенствованию процесса транспортировки хлопка пневмотранспортом и отделению его от несущего его воздуха. В этом направлении данные процессы также играют важную роль в формировании качественных и количественных показателей конечного продукта. В связи с этим приоритетным направлением исследований в данной области считается создание технологий, дающих возможность сохранить природные свойства хлопчатобумажной продукции и снизить себестоимость продукции, создать ресурсосберегающие конструкции и параметры оборудования для отделения хлопка от воздуха в системы пневмотранспорта и передачи его в технологический процесс. Все технологические процессы, в том числе способ повышения эффективности процессов регулирования воздушной аэродинамики хлопка в системе пневмотранспорта и отделения его от несущего воздуха и передачи его к следующей технологии, считаются неотложными задачами.

